



ЎЗБЕКИСТОНДА ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИ ТОМОНИДАН ВОЯГА  
ЕТМАГАНЛАРГА ИЖТИМОЙ КЎМАКЛАШУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Нурматов Равшан Бегмаматович,**

*Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази бош мутахассиси*

*E-mail: [nurmatov.ravshan@list.ru](mailto:nurmatov.ravshan@list.ru)*

**Аннотация:** Мақолада мамлакатимизда пробация институтини ривожлантириш истиқболлари тақдим этилган бўлиб, улар жумладан вояга етмаганлар пробациясини ривожлантиришга қаратилган. Бу вояга етмаган маҳкумларнинг жазодан кейинги даврда муваффақиятли ижтимоий мослашувини таъминлаш ва уларни замонавий жамиятга қайта интеграция қилиш учун асос бўлади. Муаллиф озод этилаётган маҳкумларнинг меҳнат ва маиший ҳаётига кўмаклашиш ҳамда уларга нисбатан тиббий хизмат кўрсатиш, реабилитация марказлари фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратишни тавсия этади.

**Калит сўзлар:** вояга етмаганлар пробацияси, пробация хизмати, вояга етмаган маҳкумлар, жамиятга қайта интеграция қилиш, қайта ижтимоийлашув.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги пробация хизмати бугунги кунда маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, хайрия жамғармалари, диний ташкилотлар, шунингдек, вояга етмаган маҳкумларнинг оилалари ва жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиши юқори назарий ва амалий аҳамиятга эга. Бу ҳамкорлик ўсмир маҳкумларни самарали тузатиш, реабилитация қилиш ва жазодан кейинги мослаштиришга жалб этиш мақсадида амалга оширилади. Ушбу тажриба аҳамияти шундаки, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик, жазони ижро этишдан сўнг собиқ маҳкумни жазодан кейинги даврда муваффақиятли ижтимоий мослашувга йўналтиради [1].

Халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, пробация хизмати, хусусан, қуйидаги босқичларда вояга етмаган ҳуқуқбузарлар билан ишлашни ташкил этиш бўлиши мумкин: айблов ҳукми чиқарилишидан олдин ва жазо тайинлангандан сўнг. Биринчидан, вояга етмаган маҳкумни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар (масалан, ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари, жарима); иккинчидан, шартли ҳукм қилинганларнинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширишда жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган чоралар [2].

Шунингдек, тарбия колониясидан озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жиноий жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинганлар ва озодликдан маҳрум қилиш жазосининг тўлиқ муддатини ўтаганлар билан ишлаш, ҳамда озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод этилган шахсларнинг пенитенциар қайта ижтимоийлашуви ва ижтимоий мослашувига ёрдам кўрсатиш зарур.



## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



Бугунги кунда қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатнинг жиноят-ижроия ҳуқуқий базасининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш талаб қилинади. Бизнинг фикримизча, бу ўзгартиришларни озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазони ижро этиш жараёни ва вояга етмаган маҳкумнинг жазодан кейинги даврда ижтимоий мослашуви билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш лозим.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖИКнинг 128-моддаси 1-қисмида “Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумлар, одатда, йигирма бир ёшга тўлгунга қадар, тарбия колонияларида қолдирилади” деб белгиланган [3]. Бу норма бир қатор афзалликларга эга:

1) 16-17 ёшда келган ва ўзини ижобий томондан кўрсатган (колония маъмурияти томонидан) маҳкум 21 ёшгача тарбия колониясида жиноий жазони ўташ имкониятига эга бўлади;

2) узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган ва колония маъмурияти томонидан ижобий тавсифланган маҳкум умумий тартибли жазони ижро этиш колониясига ўтказилмайди, балки муддатидан олдин озод қилинишга тайёргарлик кўради ёки 21 ёшгача колонияда қолади, сўнгра умумий тартибли жазони ижро этиш колониясига (ёки манзил-колониясига) ўтказилади.

Бироқ, камчиликлари ҳам йўқ эмас. Колония маъмурияти томонидан ижобий тавсифланган маҳкум, оддий жазони ижро этиш колониясига ўтказилганда, тарбия колониясида маҳкумни қайта ижтимоийлаштириш жараёнида эришилган натижалар йўққа чиқади. Жазони ижро этиш колониясига ўтказилган маҳкум янги салбий дўстлар орттиради, бой жиноий тажрибага эга бўлган янги жиноий муҳитга тушади. Табиий равишда, колония гуруҳидаги “катта” маҳкумлар ёш маҳкумнинг шаклланмаган шахсиятига салбий таъсир кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, давлатимиз жиноят сиёсатининг ҳозирги ривожланиш босқичида вояга етмаган маҳкумларни жазодан сўнг жамиятга мослаштириш бўйича пробация хизматлари фаолиятининг ҳолати нафақат рецидив жиноятчиликнинг умумий хусусиятини кўрсатувчи сифат мезони, балки умуман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишининг самарадорлигини акс эттирувчи омил бўлади.

Бундан ташқари, ўсмирлар орасида рецидив жиноятчилик салмоғининг кучайиши тажрибасиз жиноятчиларни жиноий таъсир доирасига тортиб, янги авлодларда жиноятчиликни қайта ишлаб чиқаради.

Бугунги кунда маҳкумларни, айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтож хавф гуруҳларига мансуб бўлганларни (масалан, вояга етмаганлар ёки болалиқдан ногиронлиги мавжуд бўлганлар) жазони ўташ муассасасидан сўнг меҳнат ва маиший жиҳатдан кўмаклашиш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу маънода, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига ўзгартириш киритиш таклиф этилмоқда. Жумладан, озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод бўлган шахсни ишга қабул қилишни асоссиз рад этганлик учун



## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



ташкilotлар (жисмоний ва юридик шахслар) раҳбарлари учун маъмурий жавобгарлик белгилаш зарур. Шунингдек, ушбу моддага “алоҳида тоифадаги фуқаролар” - соғлиғида чекловлари бўлган шахслар; 16 ёшга тўлган меҳнатга лаёқатли фуқаролар (шу жумладан, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки судланганлиги бекор қилинмаган) тўғрисидаги норма билан тўлдириш таклиф этилмоқда. Мазкур бандда меҳнат ҳуқуқи субъектларни аниқроқ белгилаш тавсия этилади.

Шунингдек, фикримизча, маҳкумларни озодликка тайёрлаш бўйича тарбиявий ишлардан ижобий натижалар олиш учун ЖИКнинг тегишли нормаларига ҳам ўзгартиришлар киритиш лозим. Мисол учун, озодликдан маҳрум этиш жойларидан чиқишга тайёрланаётган маҳкумларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш таклиф этилади. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар озодликка чиқишга тайёргарлик мактабидаги машғулотларда ёки пробация хизмати муассасаларида илк жазодан кейинги даврда тушунтирилиши керак.

Бундан ташқари, пробация хизмати ҳомийлигида тарбия колония негизида озод этилган вояга етмаган маҳкумлар (вояга етмаган, аммо 21 ёшга тўлмаган маҳкумлар) учун ижтимоий реабилитация марказларини ташкил этиш (очиш) таклиф этилмоқда. Бу марказлар ўсмир маҳкумларга ижтимоий-психологик, тиббий ва ижтимоий реабилитация ёрдами кўрсатиш, уларни постпенитенциар ижтимоийлаштиришга ва рецидив жиноятчиликни олдини олишга қаратилган бўлади.

Шунингдек, миллий жазони ижро этиш тизими самарадорлигини ошириш ва рецидив жиноятчиликни олдини олиш нуқтаи назаридан, тарбиявий колонияси, пробация хизмати ва вояга етмаган маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органлари озод этилган маҳкумлар орасида озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод этилгандан сўнг 2-4 йил давомида постпенитенциар рецидив жиноятчилик даражасини кузатиб боришлари зарур.

“Пробация тўғрисида”ги қонунда вояга етмаган ҳуқуқбузар (маҳкум)га нисбатан пробацияни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари, вояга етмаган ҳуқуқбузар (маҳкум)га нисбатан пробация назоратини амалга оширишга алоҳида урғу бериш талаб этилади. Бу масалаларда, энг аввало, миллий ва халқаро ҳуқуқнинг қонунчилик нормалари ва тамойилларида белгиланган вояга етмаганларнинг манфаатлари инобатга олинishi зарур.

Юқорида таъкидланганидек реабилитация марказлари фаолиятини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилади. Бу марказлар озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод бўлган вояга етмаганларга нисбатан ювенал пробацияни амалга ошириши лозим. Марказлар қуйидаги йўналишларга қаратилган бўлиши керак:

1) Жазони ўташ муассасасидан кейинги ижтимоий мослашув ва маҳкумнинг шахс сифатида шаклланиши;

2) жамиятдаги асосий ижтимоий-маиший, меҳнат ва ҳаётий кўникмаларни, қонунга итоаткорлик, соғлом турмуш тарзи, умумеътироф этилган кадриятлар ва хулқ-атвор қоидаларини сингдириш;



## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



3) мустақиллик ва ўзига ишончни ривожлантириш;

4) атрофдагиларга ва табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, маданий ва ижтимоий-маданий кўникмаларни ривожлантириш, заиф ва кексаларга ҳурмат кўрсатиш, ҳайвонларга меҳрибонлик ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

5) ишга жойлашиш ва касб-ҳунар таълими олишда албатта кўмаклашиш; 6) маҳкумга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш;

7) Имкон қадар доимий яшаш жойини аниқлашда ёрдам бериш (васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида).

Хулоса ўрнида, тарбия колонияларидан вояга етмаган маҳкумларни озодликка чиқаришга тайёргарлик кўриш босқичида давлат томонидан ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлганлар сонининг аниқ прогнози талаб этилади, деган тўхтамга келдик.

Ушбу таҳлилнинг мавжудлиги ва тарбия колонияларидан озод бўлганларни ҳисобга олиш (бундай маълумотлар ҳанузгача омма учун ёпиқ ҳисобланган) бизга куйидаги имкониятларни берарди: биринчидан, бюджетдан тарбия колонияларидан озод бўлган ўсмир-маҳкумларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган маблағларни ҳисоблаш; иккинчидан, вояга етмаган маҳкумлар учун ижтимоий мослашув марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун бошқа давлат-жамоат ташкилотлари (турли ННТ), хусусий (тижорат) ташкилотлар (юримдик/жисмоний шахслар) маблағларини жалб этиш имкониятларини аниқлаш; учинчидан, ўсмир-маҳкумлар учун турли мулкчилик шаклидаги корхоналарда иш ўринларини захиралаш; тўртинчидан, имкон қадар ўсмир-маҳкумга зарур бўлса, ижтимоий-психологик ва тиббий ёрдам кўрсатиш (стационар ёки амбулатория шароитида); бешинчидан, постпенитенциар мослашувнинг барча босқичларида ўсмир-маҳкумга ҳуқуқий, ижтимоий-педагогик ва психологик ёрдам кўрсатиш.

### Иқтибослар:

1. Корниенко Г.А. 2017. Современное состояние и перспективы развития уголовно-исполнительной системы. - Сборник тезисов выступлений и докладов участников. В 8 т. Рязань: Академия ФСИН России. Т. 1. С. 9-19. (Kornienko G.A. 2017. The current state and prospects for the development of the penal system. - Collection of theses of speeches and reports of participants. In 8 vols. Ryazan: Academy of FSIN of Russia. Vol. 1. P. 9-19.)

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <https://lex.uz/docs/111453> (Criminal Code of the Republic of Uzbekistan).

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси / <https://lex.uz/docs/163629> (Criminal Executive Code of the Republic of Uzbekistan).

4. Ўзбекистон Республикасининг “Пробация тўғрисида”ги қонуни <https://lex.uz/uz/docs/7050441>.